

---

## БАЛАНД МАСЖИД МАҲАЛЛАСИНИНГ 13 КИЛОМЕТРГА ЯҚИН ИЧКИ ЙЎЛЛАРИ ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ Қўштепа туманидаги Баланд масжид маҳалласининг инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида 7.5 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Хусусан, ушбу маҳаллада ичимлик суви таъминотини яхшиланиб, лойиҳа доирасида 12.8 километр тоза ичимлик суви тармоғи тортиш ҳамда 1 та сув минораси ўрнатиш, мавжуд 1 та сув минорасини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, ҳозирда маҳалладаги Наврўз, Маърифат, Сайилгоҳ, Бодомзор, Зиё, Баланд масжид, Роввот, Норин, Мактаб, Оламгир, Навқурон кўчаларининг 12 километр 800 метр қисмида асфалтлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),  
2024-04-03 10:07:00